

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**72** **Тренер ва тренер-ўқитувчиларнинг жисмоний тарбия маълумотига эга бўлишлари талаб этилмайдиган спорт турлари рўйхатини тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2559*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сонли «Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 38-сон, 331-модда) қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Тренер ва тренер-ўқитувчиларнинг жисмоний тарбия маълумотига эга бўлишлари талаб этилмайдиган спорт турлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**М. ХОДЖИМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 3 февраль,  
91-сон

Ўзбекистон Республикаси  
маданият ва спорт ишлари вазирининг  
2014 йил 3 февралдаги 91-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Тренер ва тренер-ўқитувчиларнинг жисмоний тарбия маълумотига эга бўлишлари талаб этилмайдиган спорт турлари РЎЙХАТИ**

1. Автомобиль спорт турлари (авторалли, автокросс, шоссе-айланма пойгалар, картинг)
2. Альпинизм
3. Амалий спорт турлари (триатлон (дуатлон), биатлон (ёзги, қишки), ёнғин-амалий спорти, пневматик қуролдан ўқ отиш)

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

4. Армрестлинг
5. Ашихара каратэ
6. Бадминтон
7. Боулинг
8. Джит Кун До
9. Камондан ўқ отиш
10. Кёрлинг
11. Кикбоксинг
12. Комбат айкидо
13. Қояни забт этиш
14. Қўл жанги
15. Модель спорт турлари (авиамоделъ, ракетомодель, кемамоделъ, ав-  
томоделъ)
16. Мотоциклет спорти (мотокросс)
17. Муай-тай
18. От спорти
19. Пауэрлифтинг
20. Пенчак силат
21. Радиоспорт
22. Самбо
23. Сноуборд
24. Спорт турлари бўйича хореограф
25. Спорт Ушу
26. Стенда отиш
27. Сув полоси
28. Сувга сакраш
29. Таэквондо
30. Тоғ чангиси спорти
31. Ўзбек жанг санъати
32. Улоқ кўпкари
33. Универсал жанг
34. Фигурали учиш
35. Фудокан каратэ
36. Хапкидо
37. Хоккей
38. Шахмат
39. Шашка
40. Шорт-трек
41. Шотокан каратэ-до